



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (12.409)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ички бозорда харидор талабини қондириш баробарида ташқи бозорни ҳам тинмай ўрганиб, шу асосда, маҳсулот экспортини йўлга қўйган тadbirkor жамоаларнинг иқтисодийетимиз ривожига ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Саноат

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Бугунги бозор талабларини ўрганган ҳолда иш юритаётган «Технологмаш» шўъба корхонаси, ўз фаолиятини 2008 йилда Олмазор туманидаги «Технолог» очиқ акциядорлик жамияти қошида бошлаган.

Чидамли ва талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида корхона харидорлар эътиборига сазовор бўлмоқда. Ҳозирда корхонада турли панжаралар, станиналар, шпинтеллар (дастгоҳларнинг айланма ҳаракат қиладиган асосий қисми), филдиракчалар, шкивлар (узатма тасмасини ҳаракатга келтирувчи филдирак), икки ёқламали газ плиталари каби жами 50 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, корхонада плазмали детални кесиш, тешиб ўтиш, букилувчан деталларга ишлов бериш каби бир нечта хизматлар ҳам кўрсатилади. Бир кунлик кўрсатилган хизмат ва ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ўртача 8.2 миллион сўмни ташкил этади.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ички бозорга тарқатилади. Зарур бўлган хом ашёлар ички бозордан харид қилинади. Чет элдан келтирилган ва ўзимизнинг техника ва технологиялар ёрдамида корхонада ўтган 2012 йилда 2086.6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги кунда корхонамизда учта цех ишлаб турибди, — дейди «Технологмаш» шўъба корхонасининг бош муҳандиси Бекназар Сувонов. — Цехларда шундай дастгоҳлар борки улар эгилувчанликни таъминлайди ва бошқа хомашёларни тайёрлайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати билан харидорларни ўзига жалб қилмоқда. Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилиши корхона тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда бу ерда малакали мутахассислардан ташкил топган 80 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. «Технологмаш» шўъба корхонасида ёшлар ва

коллеж битирувчилари ҳам мавжуд. Ўрта махсус ўқув юртларидан ёшлар амалиёт ўташ учун келишади. Малакали ишчи-устозлар Мирносир Абдусатторов, Исомиддин Саҳадиновлар уларга билим ўргатишади. Ишлаб чиқариш амалиётидан сўнг хоҳловчи ёшлар қизиқишига қараб ишга жойлаштирилади.

Малакали жамоа ишлаб чиқаришни доимий буюртма асосида ривожлантириб келмоқда. Жорий йилда корхона раҳбарлари ишлаб чиқаришни 1,5 баробарга ошириш ва технологияларни таъмирлашни мўлжалламоқда. Улар яқинда «Тошкент трактор заводи» ОАЖ билан радиаторларга симтўр ишлаб чиқариш бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишди. Келажакдаги режалардан яна бири маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА  
Ҳақимжон Солиҳов  
олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН – ИСПАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Испаниянинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Москвада) сифатида қайта тайинланган Хосе Игнасио Карбахал Гарате Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Президентига йўлланган ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон – Испания муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг истиқболлари ҳамда айрим халқлар ва минтақавий аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Хосе Игнасио Карбахал Гарате «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, куйидаги фикрларни билдирди:

– Биринчи навбатда шуни қайд этишни истар эдимки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Испания Кирило Хуан Карлос I ўртасида шаклланган дўстона муносабатлар туфайли давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар изчил равишда ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Биз Тошкентда қатор муҳим учрашувлар ўтказдикки, улар чоғида мамлакатларимиз ўзаро муносабатларини янада чуқурлаштириш, икки томонлама алоқалар кун тартибиди, биринчи галда, савдо-иқтисодий жабҳада, такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида «Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари» мавзусида семинар ўтказилди. Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тadbirkor Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида янги тахрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, уни қўллаш амалиёти ҳақида сўз юритилди.

● Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари), диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, масъул котиблари, «Маҳалла посбони» жамоатчиликлари тузилмаси раҳбарларининг малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинарлар ўтказилди.

● Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театрида «Камолот» ЁИХ виллоят кенгаши қошидаги «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида анъанавий XII анжумани бўлиб ўтди. Тadbirkorда виллоят, шаҳар ва туман «Камалак» болалар ташкилотлари раислари, сардорлари ва ҳаракат фолларни иштирок этди.

● И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейида Халқаро музейлар кўни муносабати билан ташкил этилган тadbirkorда юртимизнинг бой тарихи ва маданияти, қорақалпоқ халқининг ўзига хос мусиқа санъатини ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш хусусида сўз юритилди. Қадимий санъат турларидан бири бўлган бахши ва жировлар ижросидаги куй-қўшиқлар, дostonлар кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

## ЖАҲОНДА

● Япониянинг Хоккайдо музофотидаги Вакканай портида турган денгиз қисқичбақаси овловчи «Тайтан» кемасида юз берган ёнғин оқибатида кема бортидаги 23 денгизчининг олти нафари ҳалок бўлган, уч киши эса оғир жароҳат олган.

● Голландияда Англиянинг «Челси» ва Португалиянинг «Бенфика» жамоалари ўртасида ўтказилган УЕФА Европа лигасининг жорий йилги финал баҳсида 2:1 ҳисобида галаба қозонган «Челси» Европанинг клублар ўртасидаги энг нуфузли кубокларидан бирини қўлга киритди.

● АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрда вайрон қилинган Бутунжаҳон савдо марказига қарашли эгизак миноралар ўрнида барпо этилаётган «Озодлик минораси» осмонўпар тўғносининг баландлиги 541 метрга етди ва шу тариқа у Фарбий ярим шарда энг баланд иншоотга айланди ва жаҳонда баландлиги жиҳатидан учинчи ўринни эгаллади. Бутунжаҳон савдо маркази мажмуасидан «Озодлик минораси»дан ташқари яна учта осмонўпар бино ўрин олади. 2014 йилда бу ерда қурилиш ишларини тўлалигича якунлаш режалаштирилган.

● «Nepal Airlines» авиакомпаниясига тегишли, бортида 18 нафар сайёҳ ва уч нафар экипаж аъзоси бўлган кичик самолёт техник носозлиги туфайли маҳаллий Жонсон аэропортига қўниш чоғида учинчи йўлагидан ўтиб кетиб, аэропорт қиринидан оқиб ўтувчи дарёга кулаб тушган. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч ким ҳалок бўлмаган бўлсада, тўрт кишининг аҳволи оғир.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон шароитида биогаз олиш бўйича замонавий технология ва унинг меъёрий-техник таъминоти бағишланган тadbirkor бўлиб ўтди.

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси кўмағида ташкил этилди.

Тadbirkorда вазирлик ва идоралар, энергия ҳамда ёқилғи ишлаб чиқариш ва таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар вакиллари, технологик ускуналар ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар, мамлакатимиздаги етакчи илмий-тadbirkor институтлари ва олий ўқув юртларининг олимлари, экспертлари қатнашди.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги бевосита юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш учун янги технологияларни жорий этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳасида энергия ресурсларига талаб ортиб бораётгани эътиборга олинган ҳолда, Ўзбекистон шароити учун мос муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга доир самарали технологияларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёшларни юксак фуқаролик ҳамда ватанпарварлик руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида тарбиялаш, улар учун замонавий билим олиш ва муносиб касб эгаллаш борасида барча зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, авваламбор, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқётган, она юртимиз келажигининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизга боғлиқдир.

Ўзбекистон ёшлари онгу тафаккурининг ошаётгани уларнинг дунёқараши кенгайиб, ватанпарварлик ва

«Ижтимоий фикр» жамоатчиликлари фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётининг позициялар, маънавият, ижтимоий мақсадлар» мавзусида ижтимоий тadbirkor ўтказди.

эл-юртга содиқлик туйғуси юксалиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, ёшларимиз «ўз халқининг тарихини яхши билиш», «миллий ифтихор туйғусининг ривожлангани», «миллий анъаналарни эъзозлаш», «ҳалоллик», «миллатлараро бағрикенглик», «қалбнинг тозаллиги», «камтаринлик» каби асосий фазилатларни маънавият билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади.

Ёшларнинг аксарияти (98,8 фоизи) «дунёда давлатлар кўп, аммо Ватанимиз – Ўзбекистон ягона ва бетак-

рордир» деб билади, 97,6 фоизи эса Ўзбекистон келажиги буюк давлат эканлигини ишонади. Улар ватанпарварлик туйғусини «Ватанга муҳаббат», «Ватанга фидокорона хизмат қилиш», «уни ҳимоя қилишга тайёрлик» деб тушунади. Миллий ўзликни англашни ёшлар миллатнинг маънавий ўзига хослиги, миллий истиқлол, аждодларимизнинг буюк мероси, она тилимиз билан боғлиқдир. Уларда мамлакатимиз ва халқимиз тарихига қизиқиш кучайиб бормоқда. Тарихни сўровда қатнашганларнинг 72,4 фоизи яхши билади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ИЧКИ** ишлар вазирлиги академиясининг дала полигонидида Сержантлар таркиби-

ни тайёрлаш олий курсларининг 18-йиғини курсантларининг хизмат қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат табиат музейида экологик таълим-тарбия ва маданиятни юксалтиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «Олимпия» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оммавий маданият, терроризм ва диний экстремизм» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Мухаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Шодмонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ривожланган демократик давлат, қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган ишларда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни қучиш, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялашнинг мукамал механизми жорий этилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиздаги барча ёшларнинг билим олиши, ўз қизиқиши ва қобилиятига мос касб-хунар эгаллашида, ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда навқирон авлодга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишга оид эзгу ишларда алоҳида эҳтиёжли болаларга билим бериш – инклюзив таълимни ривожлантириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратишмоқда. Махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини давр талаби

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Имкониятлари чекланган болалар учун инклюзив таълим: халқаро тажриба ва амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

асосида ташкил этиш, уларнинг ўқув-тарбиявий ишларини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва алоҳида эҳтиёжли болаларга билим беришда илгор педагогик технологиялар изчиллик билан жорий этилаётди.

Мамлакатимизда болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш

латимиз раҳбарининг ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилган.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан Мишель Дельмот, ЮНИСЕФнинг таълим масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Филипп Тестот-Ферри Ўзбекистон миллий қонунчилигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жумладан, инклюзив таълимни ривожлантириш, такомиллаштириш масалалари доимий эътиборда эканини таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва қатор жамоат ташкилотлари билан ЮНИСЕФ ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самаралар бермоқда.

Давра суҳбатида юртимизда инклюзив таълимни ривожлантириш ўқитишининг барча бўғинлари – мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида мукамал амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу йўналишдаги ишларда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, маҳаллалар ҳамда қўллаб-қувватлаш хизматлари ҳамкорлиги мустаҳкамлаш ва янада қучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда ногирон болаларга инклюзив таълим беришга оид халқаро тажриба, инклюзив таълимни ривожлантиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири

## ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёшларнинг кўпчилиги (95,2 фоизи) халқимиз менталитетига ёт турли зарарли ғоялар ва уларни тарқатувчиларга салбий муносабат билдирмоқда, уларнинг ёшлар маънавиятига ёмон таъсир кўрсатишини англамоқда. Ёшларнинг фикрича, бундай шахслар «ўзларининг ёвуз мақсадларини кўзлаб, ёшларни нотўғри йўлга бошлашга уринмоқда».

Ёшларимиз қадриятлари тизимида таълим муҳим ўрин тутади. 2011 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг учдан бир қисми олий маълумотга эга бўлишни истаган бўлса, 2013 йилда ҳар икки йигит-қиздан бири шундай фикрни билдирмоқда. Сўров қатнашчиларининг 61,5 фоизи ўз билим даражасини оширишни хоҳлайди. Шуниси эътиборлики, ўқишни

давом эттиришни истаётганларнинг аксарияти қишлоқ йигит-қизларидир. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ортмоқда. Жорий йилда бу кўрсаткич 2004 йилги сўровга нисбатан икки баробар юқоридир. Шунингдек, ёшлар ўзининг ҳуқуқий билимини янада оширишни истади. (72,5 фоиз).

Аксарият йигит-қизлар танлаган касби, иш ҳақи миқдори ва меҳнат шароитларидан мамнун. Уларнинг 62,4 фоизи хизмат поғоналаридан қўтарилишга ҳаракат қилмоқда. Ёшларни тadbиркорликка жалб қилиш даражаси ошмоқда, ҳар уч йигит-қиздан бири бу йил ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий туб ўзгаришлар ёшларимизнинг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчи-

лиги ўз ҳаётидан мамнун (78,3 фоизи). Улар ўз келажагини, авваламбор, жамиятга фойда келтириш учун билим олиш, яхши мутахассис бўлиш, мустақам оила қуриш билан боғламоқда.

Тадқиқот натижалари шундан далolat берадики, истиқлол йилларида Ўзбекистон ёшларида янги қадриятлар ҳамда одоб-ахлоқ нормалари тизими шаклланди. Ватанпарварлик, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиш, мустақил фикрлаш, мақсадга интилувчанлик, ижтимоий сифарбарлик бу тизимга хос хусусиятлардир. Мамлакатимизнинг ёш фуқаролари Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган сиёсат уларнинг порлоқ келажагининг кафолати эканига ишонади. Ёшлар давлатимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларни юқори баҳолайди ва бунинг натижасида ҳаётда ўз режаларини рўёбга чиқаришга қатъий ишонади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади**

## ЎЗБЕКИСТОН – ИСПАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу муносабат билан Ўзбекистон бозорида Испаниянинг «Максам», «Инитек» сингари компаниялари фаолият юритаётганини, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари орасида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Тальго» электр поездлари қатновни йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этишни истар эдим. Бу йўналишдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик келажакда ҳам давом эттирилади, деган умидданам.

Испания сўнгги 40 йил мобайнида ўзининг иқтисодий тараққиётида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Масалан, Европадаги энг яхши тезкор поездлар тармоқларидан бири, Европанинг ўнта энг йирик қурилиш компанияларидан бештаси бизнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатмоқда. Испаниялик ва ўзбекистонлик тadbиркорлар учун савдо-иқтисодий жабҳадаги ҳамкорлигини янги даражага қўтариш учун яхши салоҳият мавжуддир.

Шунингдек, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш заруриятига ҳам эътибор қаратишни истар эдим. Ўйлаيمанки, бу йўналишда ҳам бир-бирга иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда испан тилини ўрганиш масаласи ҳам биз учун жуда муҳимдир. Ҳозир испан тили Ўзбекистоннинг тўртта олий ўқув юртида хорижий тил сифатида ўқитилмоқда ва биз уни янада оммалаштириш учун барча зарур бўлган чора-тадбирларни кўраётимиз.

Биз Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган турли тadbирларда, жумладан, Самарқанд бўлиб ўтадиган машҳур «Шарк тароналари» халқаро мусиқа анжуманида Испания вакилларининг мунтазам иштирокини таъминлаш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги фаол маданий-гуманитар мулоқотни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда Самарқанд ва Кастилия-Леон ўлкаси ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатish лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. XV асрда Руи Гонсалес де Клавихо Кастилия қироллигининг буюк Амир Темур салтанатидаги элчиси сифатида тайинланган даврга бориб тақаладиган кўҳна тарихий алоқалар бу минтақаларни боғлаб туради. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона дипломатия муносабатлари айнан ўша кезларда бошланган.

Бундан ташқари Бухоро ва Кордоба шаҳарлари ўртасида ҳам биродарлик алоқаларини йўлга қўйиш лойиҳаси мавжуддир. Мухтасар қилиб айтганда, бизнинг барча соҳалардаги икки томонлама муносабатларимизни кенгайтириш учун улкан салоҳият бор.

(ЎЗА)

«Жаҳон» АА

**Пойтахтимиздаги Киночилар уйида Ўзбекистонда давом этаётган Европа кунлари доирасида бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи мамлакатлари кинофестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган элчихоналар вакиллари, киноижодкорлар, санъатшунослар иштирок этди.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЕВРОПА КИНОФЕСТИВАЛИ

Тadbирда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб соҳаларда, жумладан, маданият ва санъат йўналишида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Алишер Навоий номидаги кино саройида ўтказиладиган мазкур кинофестиваль давомида Италия, Германия, Словакия, Австрия, Франция, Болгария, Латвия, Чехия, Эстония, Финляндия, Руми-

ния каби мамлакатлар кино усталари томонидан суратга олинган ўндан зиёд бадиий фильм намойиш этилади.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Европа Иттифоқи делегацияси ҳамкорлигида ташкил этилган кинофестивалда мамлакатимиз кино усталари томонидан яратилган экран асарлари ҳам тақдим этилади.

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ОБОД ТУРМУШ ПОЙДЕВОРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Республика Конституциявий суди судьялари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети, Ўзбекистон Республикаси Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳамда «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар ва туман бўлимларининг вакиллари иштирок этишди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини муҳокама этиш кўзда тутилган илмий-назарий конференцияда мамлакатимизда оила-

**Тошкент Давлат юридик институтида «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси томонидан «Оилавий тadbиркорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилди.**

вий тadbиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари соҳанинг етуқ ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчи ходимлари томонидан муҳокама қилинди ҳамда илмий асосланган хулосалар тақдим этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги Қонуни таҳлил қилиниб, бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришда тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини мустаҳкамлаш ва оилавий тadbиркорлиқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимла-

ри ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, конференцияда иштирок этган олимлар, амалиёт мутахассислари ушбу соҳадаги амалдаги қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича ечимини қўтаётган масалалар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Конференция иштирокчилари томонидан «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг ижросини таъминлаш механизми ва услублари юзасидан асосли тақлиф-мулоҳазалар жамламаси юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Отабек ОТАЁРОВ



## МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Президентимиз Исрол Каримовнинг шу йил 1 мартда қабул қилинган тегишли фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжат доирасида Савдо-саноат палатаси қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда саноат тармоқларида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини бажармоқда, қуёш, биогаз ва бошқа турдаги энергияни ишлаб чиқаришга оид янги технологияларни қўллаш масаласини кўриб чиқмоқда.

Буларнинг барчаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қунончи, муқобил энергия манбалари ва ёқилгини жорий этишни тартибга соладиган техник регламент ҳамда миллий стандартни такомиллаштириш, янги технологияларни қўллаш бўйича илгор тажрибани ўрганиш ва мақбул техник ечимларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан тadbир қатнашчилари меъёрий-техник таъминот масалалари ва биогаз технологияларини ривожлантиришга доир ташкилий ишлар, мамлакатимиз ҳудудларида биогаз олиш технологиясидан фойдаланиш бўйича мавжуд тажриба ҳамда мазкур соҳада инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилди.

Муқобил энергия манбалари бўйича техник ечимларни (намунали лойиҳалар) ишлаб чиқиш учун танлов ташкил этиш ҳақидаги тақлиф иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

М.МАМЕТОВА

## Анжуманлар

## АРХИТЕКТУРАВИЙ МЕРОС ВА ТАЪЛИМОТ

**Тошкент Архитектура-қурилиш институтида икки кун давомида бўлиб ўтган анжуман «Архитектура, қурилиш таълими ва инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш муаммолари» деб номланди.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давархитектура, «Қишлоққурилиш лойиҳа», «ЎзшаҳарсозликЛИТИ», Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш, Фарғона, Жиззах, Наманган педагогика институтлари, Бухоро муҳандислик технология институти, Урганч ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат университетлари, Тошкент коммунал-қурилиш касб-хунар коллежи ва бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юрлари вакиллари иштирок этди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга таъкид этиш жараёни таълимнинг барча соҳаларида бўлгани каби архитектура ва қурилиш таълимини такомиллаштириш борасида ҳам қатор ижобий натижаларни юзага чикарди. Бинобарин, илгари мавжуд бўлмаган Давлат тизими, янги ўқув адабиётлари авлоди, мамлакатимиз ривожланиш моделига мос янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълимнинг ягона узлуксиз тизими жорий қилинди.

Олий архитектура-қурилиш таълимини ўрта махсус, касб-хунар таълими, илм-фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви фаол кечмоқда. Шундай барқарор ривожланиш архитектура ва қурилиш жараёнини чуқур таҳлил қилиб, унинг стратегик масалаларини белгилаб олишни тақозо этади.

Ушбу тadbирни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда архитектура ва қурилиш таълими тизимини модернизациялаш, бу соҳада инновацион педагогик технологияларни тadbик этиш, шунингдек, архитектура ва қурилиш таълимида ахборот технологиялари сифатини ошириш омиллари, ижтимоий-гуманитар, математика ва табиий фанлар билан архитектура ва қурилиш фанларини боғлаш муаммолари, ушбу таълимни 2020 йилгача ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқиш ва режаларини тузишдан иборат.

Тadbирда анжуман иштирокчилари томонидан архитектура ва қурилиш таълими муаммолари муҳокама қилиниб, талабаларга билим бериш сифати ҳамда профессор-ўқитувчилар малакасини янада ошириш, хорижий олий ўқув юрлари тажрибаларини ўрганиш, масофавий таълим технологиясини яратиш, касб-хунар коллежлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Архитектура, қурилиш таълими ва инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш» муаммолари мавзусидаги Республика иккинчи илмий-амалий анжумани Ўзбекистон Республикаси миқёсида архитектура ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг долзарб муаммоларини ечишга ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрида бўлиб ўтган ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 майда Халқаро Оила кунини нишонлашга қарор қилинди. Бундан мақсад – барча тараққийпарвар ва тинчликсевар инсонлар диққатини киши ўз умрини ўтказадиган, орзу-умидлари, бахту саодати ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан – оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдир. Конференцияни кириш сўзи билан очар экан, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимова жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш борасида мамлакатимизда бугунги кунда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қиритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова «Оила фаровонлиги – жамият фаровонлигининг асосидир» мавзусида маъруза қилиб, мустақиллик йилларида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган устувор йўналишлар, оиланинг вазифалари, оилада шакллантирилиши лозим бўлган қомил инсон андозаси, таълим-тарбиявий ишлар, ота-оналарнинг педагогик маданиятни шакллантириш, оиладаги ижтимоий-маънавий ҳолатни мониторинг ҳамда психологик-педагогик диагностика қилиш мазмуни тўғрисида батафсил маълумот берди.

**«Халқаро Оила кунини» муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Оила – муқаддас даргоҳ» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.**

## Анжуманлар

# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

— Статистик маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида ҳар йили 18-19 мингга яқин расмий никоҳлар қайд этилади. Шунингдек, Шунингдек, илмий-амалий анжуманда оилавий муҳитда диний ва дунёвий қарашлар уйғунлиги, оилада ҳожирий тилларни ўрганишнинг долзарб масалалари, соғлом турмуш тарзи асослари муҳофиза қилинди. Конференция давомида барча муҳофиза қилинган мавзулар бўйича мутахассислар томонидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шаҳнозахон ҚУДРАТХҲАЕВА



Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

**Ватанимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиланишлар қаторида Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар фаолиятида ҳам янги давр бошланди.**

1998 йил 12 январда республикаимиз Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, у том маънода музейлар тизимида катта ўзгаришлар ясаб, жойлардаги маданият идоралари ва музейлардаги ишларни янада жонлантиришга асос бўладиган муҳим ҳужжат сифатида юзага келди.

1977 йил 18 майдан буён ҳар йили Халқаро музейлар кунини нишонланиб, шу кунини барча музейлар байрамнинг бош мавзуси билан боғлиқ тадбирларни амалга оширадиган. Халқаро музейлар кунини музей ходимларининг доимий томошабинлари билан ноанъанавий муҳитда учрашишлари ва янги аудиторияни жалб қилиш учун ажойиб имкониятларни яратди.

Халқаро музейлар кунига бағишлаб Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги Иқоу Хиряма Халқаро маданият қарвон саройи коллекциясидан «Ўзбекистонда ўрта асрлардаги сопол идиш қопқоқларининг нақшлари» номи кўргазмаси ва давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда илмий ходимлардан ХМКС археолог К.Шейкиннинг «Тошкент вилоятидаги Қаңқа шаҳарчасидан топилган ўрта асрлардаги идиш қопқоқлари», тарих фанлари номзоди, илмий ходим С.Савчук-Қурбоновнинг «Ўзбекистонда қадимги ва ўрта асрлардаги идиш қопқоқларининг сехрили кучи ва гўзаллиги

## МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГҮСИ

белгиси – тумор», ХМКС реставратори Н.Алмованинг «Археологик идишларнинг қопқоқларини таъмирлаш усуллари» ҳақидаги маърузалари тингланди. Кўргазмада эса Иқоу Хиряма Халқаро маданият қарвон саройи коллекциясидан 30 дан ортиқ турли хил кўриниш ва ҳажмдаги идиш қопқоқлари намойиш этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолитдин Бехзод меъмориал бог-музейида Ўзбекистон санъат усталаридан бири, Ўзбекистон халқ расоми, академик, портрет жанрининг моҳир устаси Абдулҳақ Абдуллаевнинг (марҳум) 95 йиллик юбилейига бағишланган кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди.

А.Абдуллаев Ўзбекистоннинг элга танилган, донгдор меҳнатқашлари, фан ва маданиятнинг машҳур вакиллари портретларидан иборат ажойиб галереянинг муаллифидир. Улар орасида С.Эшонтўраев, М.Уйғур, А.Хидоятлов каби артистлар, кинорежиссёр К.Ерматов, халқ усталари, донгдор Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, академик Қори-Ниёзий, ёзув-

чилардан Ойбек, Собир Абдулла, Қомил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат ва бошқаларнинг портретлари мавжуддир. Портрет жанрининг моҳир устаси, рангасвирда қадимги реалистик мактаб аъёнларига содиқ қолган расом инсон онгидида ижодий қатламни акс эттириш учун ҳаётий тажрибалардан, истеъдод ва ақл-идрок шуридан келиб чиққан ҳолда ўз ижодий йўналишини ифода қилади.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўргазмалар дирекцияси жамғармасида сақланаётган асарлардан ташкил топган бу юбилей кўргазмаси расомнинг узок, сермахсул ва ҳаётий изланишлари-га бой ижодидан бир қисминга холос.

Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурининг, миллий ифтихор туйғусининг шаклланишида муҳим омил бўлади.

**Моҳира АДИЗОВА,**  
**Ўзбекистон Бадий академияси**  
**Ахборот ва маркетинг бошқармаси**  
**бош мутахассиси, санъатшунос**

## ЮРТИМИЗНИНГ АЖИБ МАНЗАРАЛАРИ

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли расом Аспиддин Исаевнинг «Бу ҳаёт, бу кўз ёш, бу муҳаббат» номили шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазмадан муаллифнинг турли даврларда яратган юздан ортиқ санъат асарлари ўрин олган.**

Моҳир мусаввир, юксак маҳорат соҳиби А.Исаев Самарқанд вилоятининг Чоршанба қишлоғида таваллуд топиб ўзининг профессионал ижодини дастлаб Самарқанд шаҳридаги Бадий жамғарма устaxonларида бошлаган. 2006 йилда эса Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомчилик ва дизайн институти муваффақиятли тамомлаган.

А.Исаевнинг шахсий кўргазмасида намойиш этилаётган турли ижод намуналари, нафис асарларининг туб моҳиятида кураш ва қарама-қаршиликнинг доимий ва бирдамлиги ҳақидаги қадимги Шарқ фалсафаси ётади. Муаллиф ўз ижодида ҳаёт мазмуни — болалик давридан яқин бўлган одамлар ва, албатта, қадим юртимизнинг ажиб ва бетакрор гўзаллиги ҳамда унга бўлган муҳаббатини акс эттиради. Қолаверса, улардаги пухта ўйланган воқеалар, яхлит композицион тимсоллар латиф, баъзан эса гротеск шаклида намоён бўлади.

Тасвирий санъат асарларини кузата туриб тевақар-атрофни кураш турсан фаройиб дунё манзараларида ҳаёлий, ёнқин, реалликка ўхшатиш ва табиатнинг шартлилик қонуниятлари уйғунлашганлигининг гувоҳи бўласиз. Муаллиф асарларидаги ранглар уйғунлиги ҳам ўзига хос. Баъзи ижод намуналарида юмшоқ ранглардан фойдаланган бўлса, айримларида унинг ижодида учратиш мумкин бўлган аксарият жанрдор ранглар жилоси устунлик қилади. Ҳақиқатан ҳам расом асарлари услубнинг хилма-хиллиги билан ажралаб туради. Бу эса унинг юқори даражадаги маҳорати, воқеликни таҳлил қилиш ва уни аниқ деталлар орқали тасвирлашдан, ифодали олишидан далолат беради. Шу сабабдан унинг нодир асарлари юртимиз музей ва галереяларида, хориждаги тўпламларда сақланади. Маълумот ўрнида таъкидлаш кераки, ушбу кўргазма жорий йилнинг 23 майга қадар давом этади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика**  
**факультети талабаси**

### Билдириш

1. Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 12 май кунги 19307/22-сонли хатига асосан, «Тошкент оқшони» газетасининг 2013 йил 8 апрель кунги 68-сонидан хабар қилинган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси ва Эргашев кўчаси кесимида, 1-уйнинг бошланғич нархи 32 633 600 сўм деб ўқилсин.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2009 йил 30 июнда Акбаров Жасур Меҳрозович номига берилган В № 417967 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик ким ошди савдосига таклиф этади!**

Қийрай тумани СИБ томонидан: 1. 22.12.2008 й. № 9565/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Раф 2203», д.р. 11 Т 1286. Бошланғич баҳоси – 513 691 сўм. 2. 26.04.2012 й. № 5782/8 - сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «Доган», д.р. 01 К 336 ЕА. Бошланғич баҳоси – 3 714 045 сўм. 3. 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжати асосан 1968 й. и.ч. «М 408», д.р. 11 У 1047. Бошланғич баҳоси – 450 082 сўм. 4. 14.04.2009 й. № 9671/7-сонли ижро ҳужжати асосан 1973 й. и.ч. «Газ 51», д.р. 11 І 0795. Бошланғич баҳоси – 734 765 сўм. 5. 20.08.2010 й. № 7434/11 - сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «2 ПТС 4793 А», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 513 691 сўм. 6. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Т-28Х4МС 101», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 2 995 976 сўм. 7. 17.12.2009 й. № 12395/8-сонли ижро ҳужжати асосан «Зил 131», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 6 196 031,3 сўм. 8. 09.04.2010 й. № 3531/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Газ 66», д.р. 11 W 6468. Бошланғич баҳоси – 2 465 731 сўм. 9. 09.04.2010 й. № 3540/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Газ 66», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 4 176 300 сўм. 10. 07.01.2010 й. № 141/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Камаз 5511», д.р. 10 Р 954 АА. Бошланғич баҳоси – 14 407 716,2 сўм. 11. № 141/8-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Нексия Донс ГБАСНГ», д.р. 75 W 084 АА. Бошланғич баҳоси – 19 771 970 сўм. 12. 04.09.2009 й. № 10357/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1971 й. и.ч. «Москвич 412», д.р. 11 Y 2850. Бошланғич баҳоси – 251 148 сўм. 13. 15.10.2009 й. № 10921/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Камаз 5320», д.р. 12 F 8529. Бошланғич баҳоси – 12 985 860 сўм. 14. 17.12.2009 й. № 12400/8-сонли ижро ҳужжати асосан «Урал», д.р. 11 І 5796. Бошланғич баҳоси – 6 672 402 сўм. 15. 17.05.2010 й. № 4697/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Камаз 5511», д.р. X 110 ОСМ. Бошланғич баҳоси – 15 066 647 сўм. 16. 14.10.2010 й. № 8835/11-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «2 ПТС 4 4793 А», д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 3 745 058 сўм. 17. 23.02.2009 й. № 3114/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Газ 2401», д.р. 30 D 3293. Бошланғич баҳоси – 516 360 сўм. «Арғин Савдо» УҚда сақланмоқда. 18. 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Газ 24», д.р. 10 D 214 ДА. Бошланғич баҳоси – 919 757 сўм. Қийрай тумани ИИБ ЙХБ омборида сақланмоқда. 19. 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Камаз», д.р. 11 X 0082. Бошланғич баҳоси – 9 551 578 сўм. Қийрай тумани, Байтўғроқ қ.ф.й., Тинчлик кўчаси, 27-уйда сақланмоқда. 20. 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Уаз», д.р. 11 F 2438. Бошланғич баҳоси – 1 414 998 сўм. Қийрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й., Олимлар даҳаси, 30-уйда сақланмоқда. 21. 01.02.2012 й. № 1087/11-сонли ижро ҳужжати асосан «Вафли ва макорон ишлаб чиқариш уюмаси», Бошланғич баҳоси – 451 493 198 сўм. Қийрай тумани, «Қийрай нон» ИЧШК омборида сақланмоқда. Сергели тумани СИБ томонидан: 22. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 322131-95», д.р. 01 341 ААА. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 23. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 322131-95», д.р. 01 014 ЕВА. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 24. 18.01.2012 й. № 1117/17721 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 322131-95», д.р. 01 846 ААА. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 25. 18.01.2012 й. № 1117/17721 - сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 322131-95», д.р. 01 168 ААА. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 26. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 322131-95», д.р. 01 819 ААА. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 27. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: 18.06.2012 й. № 7320/6-сонли ижро ҳужжати асосан 2012 й. и.ч. «Спарк», д.р. 01 W 724 КА. Бошланғич баҳоси – 22 854 150 сўм. «Ўнумзатика» МЧЖда сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 3 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 28. Қийрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжати асосан «Дневной лампа ТL-D 18 W» 80400 дона. Бошланғич баҳоси – 159 754 800 сўм. 29. Қийрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжати асосан «Дневной лампа ТL-D 36 W» 2300 дона. Бошланғич баҳоси – 5 069 200 сўм. Қийрай тумани, Салар ш.ф.й., «Интер Рокет» кўшма корхонасида сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 18 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан СИБ вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ким ошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш ким ошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ким ошди савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301 829 604. Ким ошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

**«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларида таклиф этади!**

**Савдога Олмасор туман СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 24 январдаги 1-437/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, О.Бобононов кўчаси 22-уй, 78-хонадонда жойлашган, 3 хонадан иборат, умумий фойдаланиш майдони 66,40 кв.м., яшаш майдони 43,72 кв.м. бўлган хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 56 200 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 19 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 17 июнь кунини соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz). Лицензия: RR-0001

Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2011 йил 10 июнда Акбаров Жасур Меҳрозович номига берилган М № 056842 сонли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Сузуқ ота кўчаси, 131-уйда яшовчи Хасанов Тўйғун Тўрсуновичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 03.09.2012 йилдаги 10-1209/14325-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Балиқчи тумани, Ҳамза кўчаси, 4-уй «Дурбек Транс сервис» ХК жарима майдончасида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда: 1. «Камаз-55111» русумли д/р 01/549GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. 2. «Камаз-55111» русумли д/р 01/560GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. 3. «Камаз-55111» русумли д/р 01/563GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. 4. «Камаз-55111» русумли д/р 01/568GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. 5. «Камаз-55111» русумли д/р 01/564GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. 6. «Камаз-55111» русумли д/р 01/570GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2013 йил 25 июнь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 21 июнь кунини соат 18:00. **Автотранспортлар билан Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.**

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. [www.fmm.uz](http://www.fmm.uz). Ғувоҳнома №006231.

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида Ватанимизнинг бўлажак ҳимоячилари ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарликнинг муҳим йўналишлари бўйича ўз билим ҳамда кўникмаларини намойиш этди. Бу йил ушбу мусобақаларда бутун мамлакатимиздан 50 минг нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Бу ушбу дўстлик ва спорт байрами оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Ёшлар — давлатимиз ва жамиятимиз келажиги. Мамлакатимизни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш истиқболлари уларнинг мустақил ҳаётга қандай билим, қобилият, қатъий ишонч ва маънавий кадриятлари билан қадам қўйишига боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ёшлар нафақат ишончимиз ва келажакимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шу сабабли фаол ҳаётий позицияга эга муносиб, жўрватли, ўз мақсади сари интиладиган ёшларни тарбиялашда уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутди.

— Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ёшларда юксак ватанпарварлик тушунчаси, эл-юртга содиқлик, фуқаролик бурчини, муҳим конституциявий мажбуриятларини бажаришга тайёрлик туйғусини шакллантиришни кўзда тутди, — дейди Сурхондарё вилояти олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жўрабек Хайкулов. — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшларни ҳарбий қаҳриқча бошланғич тайёрлаш ўқув дастурига киритилган мажбурий фан ҳисобланади. Йигитлар назарий ва амалий дарслар давомида армия сафларида хизмат пайтида асқотадиган кўникмаларга эга бўлмоқда, қизлар эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўрганишмоқда.

## БУГУН — ЎҚУВЧИ, ЭРТАГА — ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ

Дастлабки «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари 1998 йилда ўтказилган эди. У «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган.

Жорий йилда мусобақаларнинг март-апрель ойларида ўтказилган ҳудудий босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан энг яхши 14 жамоа саралаб олинди. Улар яқинда Жиззах вилоятида, Марказий ҳарбий округнинг Фориш тоғли умумқўшин полигонига ўтган республика босқичида қатнашди.

Уч кун давомида турли ранг ва бичимдаги кийим кийган йигитлар юқори натижалар кўрсатишга ҳаракат қилди. Улар саф тайёргарлиги, сафда қўшиқ айтиш юриш машқларида қатнашди, плакат ва вимпелларни намойиш этди. Шу билан бирга 3000 метрга ва тўсиқлардан ошиб югуриш, тур-

никда тортилиш машқларини ўз ичига олган амалий беллашувлар ҳам ташкил қилинди. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг автоматни бўлақларга ажратиш ва йиғиш, пневматик қуролдан нишонга ўқ узиш қобилияти ҳам синовдан ўтказилди. Мусобақалар якунида уларнинг ҳарбий топография ва турли умумтаълим фанлари бўйича билимлари ҳам синаб кўрилди.

— Биз бир жамоа бўлиб иштирок этганимиз самарасида ҳарбий-ҳуқуқий билимимиз, жанговар ва спорт тайёргарлигимизни муваффақиятли намойиш эта олдик, — дейди Жиззах вилояти Бахмал иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Бекназар Қизилбоев. — Биз учун «Шунқорлар» мусобақаси ҳақиқий дўстлик, спорт ва соғлом рақобат байрамидир.

Мусобақада Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Лочин» жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Жиззах вилояти Бахмал тумани ва Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан келган «Ёш чегарачи» жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади.

С.ТОҶИЕВ,  
ЎЗА мухбири

## Спорт янгиликлари

«ДИНАМО»ДА  
ЯНГИ БОШ  
МУРАББИЙ

Бундан бир неча йиллар муқаддам профессионал футбол лигасида пойтахтимизнинг «Трактор» ҳамда «Пахтакор» жамоаларига устозлик қилган, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси бўлган таниқли мутахассис Равшан Ҳайдаров айни кунларда Самарқандда.

Гап шундаки, кейинги йилларда Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини бош мураббий сифатида бошқарган Равшан Ҳайдаровга Самарқанднинг «Динамо» клуби раҳбарлари ишонч билдиришди ва ҳамшаҳримизни ўз жамоаларига бош мураббий этиб тайинлашди. Чунки жорий йилги мавсумда «Динамо» жамоаси беқарор ўйин намойиш этаётти. Шу кунгача ўтказилган учрашувлар якунига кўра «Динамо» бор-йўғи учта учрашувда дуранг натижа қайд этган, тўртта ўйинда мағлубиятга учраган. Эътиборли жиҳати шундаки, Равшан Ҳайдаров жамоага бош мураббий этиб тайинлангач, ўтган саккизинчи турда самарқандлик чарм тўп усталари ўз майдонларида «Бухоро» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Акбар Йўлдошев

Пойтахтимизда давом этаётган шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг хотин-қизлар баҳсида фарғоналик ФИДЕ устаси Хулкар Тоҳиржонова ғолиб бўлди.

ХУЛКАР —  
ЎЗБЕКИСТОН  
ЧЕМПИОНИ!

Бир даврли тизимда ўтказилган чемпионатнинг хотин-қизлар баҳсларида ўн икки нафар энг қўли шахматчи ғолиблик учун дونا сурди. Ўн бир турдан иборат мусобақада тақрибали шахматчимиз Хулкар Тоҳиржонова жами 7,5 очко жамғариб, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Охири тургача 7 очко билан мусобақада пешқадамлик қилиб келган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева ўн биринчи партида фарғоналик Гулруҳбегим Тоҳиржоновага имкониятни бой берди ва қумуш медаль билан кифояланди.

Мусобақада чемпионни мағлубиятга учрата олган ягона шахматчи — пойтахтлик ФИДЕ устаси Ирина Геворгян бронза медални кўлга киритди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири

Мусобақанинг финал босқичи қўтилмаган натижаларни тақдим этди.

Яқуний натижаларга кўра, Олий ҳарбий божхона институти жамоаси 3-ўрин билан кифояланди. Хал қилувчи ўйинда ўтган галги турнир ғолиби Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси жамоаси Давлат Боркхона қўмитаси Марказий аппарати жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бу гал ҳам турнир кубогини ўзида сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Турнир ўйинларини Ўзбекистон мини-футбол ассоциациясининг тажрибали ҳакамлари бошқариб боришди. Совриндорларни тақдирлаш маросимида қўмита раҳбарияти томонидан турнир ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига миннатдорчилик билдирилиб, бу каби мусобақаларни божхона ходимлари ўртасида мунтазам ташкил этиб боришга қўлини олинди. Одатга кўра, ғолибларга турнир кубоклари, медаллар ва дипломлар тантанали тарзда топширилди. Шунингдек, ўйинларда моҳирлик кўрсатган божхоначилар турнирнинг энг яхши тўпурари, энг яхши ўйинчиси каби қатор номинациялар бўйича ҳам тақдирланишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## ЎҒРИЛИК

иши юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Максим ва Артурлар кўлга олинган.

## ФИРИБГАРЛИК

Чилонзор тумани ИИБ навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, Чилонзор 19-даҳаси олдида ҳеч қаерда ишламайдиган, Фарғона вилояти, Риштон туманида яшовчи Шавкат Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида яшовчи Тоҳирни 30 тонна «Вьетнам» навли гуруч олиб берман деб алдаб, 18.750.000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Ички ишлар идоралари ходимлари томо-

нида яшовчи Тоҳирни 30 тонна «Вьетнам» навли гуруч олиб берман деб алдаб, 18.750.000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Ички ишлар идоралари ходимлари томо-

нидан Шавкат ушланди ва у энди қонун олдида жавоб беришга мажбур. Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг

тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб боришмоқда.

А.ТИШАБАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ОАВБАҚ бўлими маси инспектори, катта лейтенант

## МАЙДОНДА — ҲАВАСКОРЛАР

Спорт — нафақат инсон танасини, балки унинг руҳиятини ҳам соғломлаштиради, кайфиятини кўтарди. Ҳаётга, ишга, ўқишга бўлган муносабатини янада фаоллаштиради. Ҳамиша ҳаётга соғлом нигоҳ билан қарашга ундайди. Шу маънода бугун мамлакатимизда барча ёшдаги ва турли соҳаларда хизмат қилаётган фуқароларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи турли спорт мусобақалари, жумладан футбол бўйича турнирлар ташкил этиб келинмоқда.

Давлат божхона қўмитаси томонидан «Обод турмуш йили»га бағишлаб, шунингдек, божхона органлари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида футбол бўйича турнир ташкил қилинди. Унда Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳри бўйича божхона бошқармалари, Олий ҳарбий божхона институти, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона

комплекси ва Миллий кинология марказининг 17 та жамоаси ўзаро беллашди.

Миллий кинология маркази футбол майдонида турнирнинг финал ўйинлари ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Мурасасиз кечган ўйинларда ҳар бир терма жамоа аъзолари муносиб ўйин кўрсатишди, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, божхона хизмати подполковниги Баҳодир Тошев. —

## «102» хабарлари

## ТАЛОНЧИЛИК

Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, Юнусобод тумани 2-мавзе олдида, шу туманда яшовчи Рустам жиноий шериклари билан Шайхонтоҳур туманида яшовчи Шерзод ва Шухратларга зўрлик ишлатиб, 40.000 сўмлик «Нокиа-1110» русумли ва 50.000 сўмлик «Нокиа-6300» русумли телефон аппаратурини ва 50.000 сўмлик «Пионер» русумли автомагнитоланинг пультаини тортиб олиб қочиш кетган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Ички ишлар бош бошқармаси тезкор ходимлари томонидан зўравонлар далилий ашё билан ушланди.

М.Улуғбек туманида яшовчи Максим Миробод туманида яшовчи Артур билан Феруза мавзесидаги маданият институтининг қурилиши битмаган биносидан М.Улуғбек туманида

яшовчи Равшанга тегишли 2.430.000 сўмлик 15 дона мармар плиталарни ўғирлаб кетганлиги аниқланган. Ушбу жиноят

Чилонзор тумани ИИБ навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, Чилонзор 19-даҳаси олдида ҳеч қаерда ишламайдиган, Фарғона вилояти, Риштон туманида яшовчи Шавкат Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида яшовчи Тоҳирни 30 тонна «Вьетнам» навли гуруч олиб берман деб алдаб, 18.750.000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Ички ишлар идоралари ходимлари томо-

нида яшовчи Тоҳирни 30 тонна «Вьетнам» навли гуруч олиб берман деб алдаб, 18.750.000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Ички ишлар идоралари ходимлари томо-

нидан Шавкат ушланди ва у энди қонун олдида жавоб беришга мажбур. Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг

тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб боришмоқда.

А.ТИШАБАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ОАВБАҚ бўлими маси инспектори, катта лейтенант

МАШРИҚЗАМИН —  
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умри бесамар ўтаётган киши вақтдан нолийди.

\* \* \*

Қайишмайдиган қариндошнинг боридан йўғи.

\* \* \*

Бизни тақдир эмас, ўзимизнинг ножўя хатти-ҳаракатларимиз қайғу-ҳасратга ботиради.

\* \* \*

Ғам одамни ўлдирмайди, иродасини синайди.

\* \* \*

Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор — буни тан олмангнинг беҳуда қуйиб-пишгани қолади.

\* \* \*

Бировга қолган куннинг ўтиши қийин.

\* \* \*

Вақтга қолганда ҳамма сахий: хотамтойлик билан уни сочиб-совуради.

\* \* \*

Ҳаёт одамларни бир-бирига шунчалик боғлаб қўйганки, бирисиз бирининг иши битмайди, иккинчисининг куни ўтмайди.

\* \* \*

Орзу қушини ҳамма ҳам парвоз қилдиrolмайди.

\* \* \*

Сўраганининг айби йўқ.

\* \* \*

Оғизда ҳаммаси осон.

\* \* \*

Ҳаётнинг ўз қонуниятлари бор — уларни ҳеч ким четлаб ўтолмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси 2013 йил 28 май куни соат 15.00 да халқ таълими тизимидаги муассасаларда мавжуд муаммолар ва ўқувнинг ечими юзасидан фуқароларнинг муурожаатларини қўриб қиқиш мақсадида ўтказиладиган «Очиқ эшиклар куни» тадбирига таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 237-08-30, 237-08-93. Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 69-уй.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси



Ўзгидромет

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 майда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 27-29 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пайишши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz  
Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эътилолар: 233-28-95,  
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
11938 нусхада босилди.  
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов  
Тошпириш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ